

Абул Аббос Аҳмад ибн имом Шаҳобиддин



11:00 / 15.11.2020 2390

Шайх, имом, кўзга кўринган аллома, ҳофиз, дин юлдузи, қозилар қозиси Абул Аббос Аҳмад ибн имом Шаҳобиддин Муҳаммад ибн Халаф ибн Рожиҳ ибн Билал Мақдисий Солиҳий Ҳанбалий Шофеъий.

578 йилда таваллуд топганлар.

Яҳё Сақафий, Ибн Садақа Жанзувий, Абдуррахмон ибн Хирақий, Бағдодда Ибн Жавзийдан ҳадис эшитганлар. Ҳамадонда Рукн Товусийни устоз тутиб, у кишининг махсус ёрдамчилари бўлганлар. Сўнгра Бухорога сафар қилганлар, илм билан шуғулланиб, кўзга кўринган олимлардан бўлганлар. Номлари атрофга тарқалган. Шофеъий мазҳабини мукаммал ўрганганлар. «Ал-Жамъ байнас саҳиҳайн» китоблари сақланиб қолган.

Илм билан машғул бўлиб, олимларни тарбиялаб етиштирганлар. Таҳажжудда собит, дуода маҳкам, ибодатда бардам, ўта зийрак бўлганлар.

«Азровия» мадрасасида дарсларни бошқарганлар. Биринчи бўлиб «Ал-Муқниъ» китобини муаллифга ўқиб берганлар. «Соримия», «Умму Солиҳ» ва «Баррония» мадрасаларида ҳам дарс берганлар. Рафиъ Жийлий каби кўп қозиларга ноиблик қилганлар. Икки жилддан иборат «Тариқатан фил хилоф» китобини ёзганлар. Бундан бошқа китоблари ҳам бор.

Бу кишидан Абул Фазл ибн Асокир, амакиваччалари Фахр, Имод ибн Бадрон, Муҳаммад ибн Юсуф Ирбилийлар ҳадис ривоят қилишган.

638 йил шаввол ойида вафот этганлар.

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан